Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 29 июль ● сешанба ● № 33 (592) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

МУСТАҚИЛЛИК 17 ЙИЛ

● Адлия вазирлигида

Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.Муҳитдинов бошқарган бу мажлисда Адлия вазирлиги ва унинг қуйи тизими органларининг 2008 йил I ярим йиллигида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Шунингдек, ҳайъат мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда жорий йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифаларига бағишланган йиғилишида адлия органлари олдига қўйилган вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланишича, ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида 52 та қонун лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва ҳукуматининг 374 та фармон, қарор ва фармойишлари лойиҳалари кўрилиб, уларга ҳуқуқий экспертиза хулосалари берилган. Шунингдек, тақдим этилган идоравий-норматив ҳужжатлардан 139 таси давлат рўйхатидан ўтказилган.

Адлия органлари ва муассасалари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида жами 39 мингдан ортиқ хат, ҳужжат ва аризалар, 5 мингдан ортиқ шикоятлар кўриб чиқилган. Тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида адлия органларининг саъй-ҳаракатлари билан 4 минг 900 та даъво аризаси қаноатлантирилиб, шундан 6 миллиард сўмлик қисми амалда ижро этилган.

Йиғилишда, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг иш юритувидаги мавжуд 841 минг 693 та 1,5 триллион сўмга яқин ижро ҳужжатларидан 80,6 фоизининг ижроси тамомланганлиги эътироф этилди.

Танқидий рухда ўтказилган ҳайъат мажлисида ишларни режалаштириш ва ташкиллаштиришда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, айрим адлия бошқармалари томонидан ижро интизомига риоя этилишида камчиликлар мавжудлиги танқид остига олинди. Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари ҳужжатлар ижроси бўйича мавжуд ҳақиқий аҳволни чуқур ўрганишлари, таҳлилий материаллар тайёрлаш ва умумлаштиришга жиддий аҳамият қаратишлари ҳамда ушбу соҳадаги ишлар сифатини ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларни, хусусан, республика ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва сотиш билан боғлиқ шартномаларнинг тузилишида, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича мониторингни амалга оширишда камчиликлар борлиги айтиб ўтилиб, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш адлия органларининг биринчи галдаги вазифаси эканлиги, бу борада бошқа идоралар билан ҳамкорликни кучайтириш кераклигига алоҳида урғу берилди.

Ҳайъат мажлисида кўрсатиб ўтилган вазифалар билан бир қаторда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш, бу борада марказий ва маҳаллий ОАВда чиқишларнинг сифат ва мазмундорлигини янада ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати, Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

Ислом КАРИМОВ:

Ватанимиз келажаги халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, аввалambor, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир.

● 2008 йил — "Ёшлар йили"

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТИ

"Осиё келажаги учун ёшлар — 2008" дастурининг ўзбекистонлик иштирокчилари кеча Жанубий Корея Республикасига жўнаб кетди. Улар орасида "Инсон ва қонун" газетасининг махсус мухбири Дилфуза ЭРГАШЕВАнинг борлиги (суратда ўнгдан иккинчи)нафақат унинг, балки таҳририят жамоасининг ҳам ютуғидир.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат

Ушбу дастурнинг ташкилотчилари Корея Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Корея ёшлар миллий федерацияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан 2006 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу йил учинчи делегация сафарга йўл олди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "Осиё келажаги учун ёшлар — 2008" фестивалида Осиёнинг 22 та мамлакатидан жами 220 нафар ёшлар қатнашади.

Фестивалнинг бош мақсади, аввало, ёшлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш, Осиё мамлакатларида ёшларга доир давлат сиёсатини ўрганиш ва шу масала бўйича бир қатор конференциялар ташкиллаштиришдир. Бундан ташқари, ҳар бир мамлакат ёшлари ўз маданиятларини намойиш этиш ва ўзга давлатлар вакиллари бўлган тенгдошларининг маданиятини ўрганишдан иборат. 3 ҳафта давом этадиган бу сафар чоғида ёшларга корейс тили янада чуқурроқ ўргатилади. Ёшлар тафаккурини чархловчи интерактив ўйинлар ташкил этилади.

Ўтган йили 10 нафар делегациядан иборат Ўзбекистон ёшлари Кореяда 22 давлат орасида биринчи ўринни эгаллаган эди. Бу йил ҳам ёшларимизга ишончимиз баланд. Уларга муваффақият тилаймиз.

Муродилла АЛИМБАЕВ, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши Халқаро муносабатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ 60 ЙИЛ

ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

фаолиятимиз асосини ташкил этиши керак

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 5-моддасида "Ҳеч ким азобларга ёхуд шафқатсиз, ноинсоний ёки ўзининг қадр-қимматини хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак" деб белгиланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, инсон ҳуқуқлари олий даражага кўтарилди ва бу тамойил давлатимизнинг норматив ҳужжатларида ҳам ўз аксини топди.

ОДАМ САВДОСИ

унга қарши кураш бўйича Республика идораларо комиссиясининг биринчи йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Республика идораларо комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров олиб борди.

Мазкур Комиссия жорий йилнинг 17 апрелида қабул қилинган **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига асосан тузилган.

Комиссия йиғилишида одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокамада, хусусан, одам савдоси бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти учун долзарб муаммо бўлиб, миграция жараёнларининг кучайиши оқибатида қамрови тобора кенгайиб бораётган бу трансмиллий жиноий фаолият турига қарши курашиш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, республикада одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли органлар ва ташкилотларнинг бутун кучини бирлаштириш ва ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш идораларо комиссиянинг асосий мақсади эканлиги қайд этилди.

Мажлис давомида давлат раҳбарининг юқоридаги қарори билан тасдиқланган 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасини амалга оширишнинг аниқ йўллари белгиланди, шунингдек, Комиссия олдига қўйилган вазифаларни самарали бажаришга қаратилган қатор ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Республика идораларо комиссиясининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, тегишли органлар ва ташкилотларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссиясининг йиғилиши якуни бўйича қабул қилинган қарор ижро этиш учун тегишли органларга ва жойларга юборилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссияси

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ

"Озодлик" очиқ акциядорлик жамиятининг "Инсон ва қонун" таҳририятига йўллаган аризаси Олий хўжалик судида ўрганиб чиқилди.

Текширишда аризада келтирилган қонунбузилиш ҳолатлари тасдиқланиб, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 6 майдаги ажримига асосан АТ "Пахтабанк" Сирдарё вилояти бошқармасининг Банк жараёнлари бўлими 2-тоифали мутахассиси Ф.Абдукаримов Хўжалик процессуал кодекси 218-моддасининг иккинчи қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида жаримага тортилиб, банкка нисбатан хусусий ажрим чиқарилди. Хусусий ажрим банк ходимлари ўртасида муҳокама қилиниб, бош ҳисобчи И.Маҳкамбаев эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

АТ "Пахтабанк" Сирдарё вилояти бошқармаси Банк жараёнлари бўлими масъул мансабдор шахсларига нисбатан Гулистон шаҳар прокуратураси томонидан 2008 йил 17 июнда жиноят иши қўзғатилган.

Сирдарё вилояти МТПлар бирлашмаси раҳбари Б.Бердалиев ва бош ҳисобчиси А.Бойтўраевларга ҳамда Оқолтин МТП масъул ходимларига нисбатан Тошкент вилояти хўжалик судининг 11-0619/2276-сон ва 11-0724/7218-сон ишлари юзасидан берилган ижро варақалари ижросини қасддан бажармаганлиги сабабли 2008 йил 11 июлда Жиноят кодексининг 232-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориш учун Сирдарё вилояти прокуратурасига юборилди.



Н.АХМОНОВ, Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йилдаги қўшма мажлисида қилган маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва соҳани янада либераллаштириш давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлаган ва бу борадаги ишларнинг истиқболли юяси ҳақида гапирган эдилар. Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Жумладан, судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди.

Қонунчиликка биноан, суд ишларини апелляция ва кассация тартибда кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Айнан шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг яқиндагина бўлиб ўтган Пленумини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, Пленумнинг «Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида» ва «Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди.

● Ҳуқуқий жамият пойдевори

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан суҳбат

– Бўритош ака, аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми кун тартибига айнан ушбу масалаларни қўйишга сабаб бўлган омиллар ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Энг аввало, шуни айтиш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилгани билан тенгсиз аҳамиятга эга. Жумладан, жамиятимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ҳам изчил ва босқичма-босқич давом эттириб келинмоқда.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жиноят-процессуал қонунчилигимизга ҳам ўзгача шакл, янги мазмун ва атамаларни олиб кирди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, яраш институтининг жорий этилганлиги, апелляция инстанциясида иш юритишнинг татбиқ қилинганлиги, қонуний кучга кирган ҳукмлар устидан шикоят бериш имкониятларининг кенгайтирилганлиги, кассация инстанциясида тарафлар ҳуқуқларининг тенглаштирилганлиги шулар жумласидандир.

Ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқишнинг жорий қилинганлиги суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, судлар фаолиятида сансалорликка йўл қўйилмаслигига, кассация ва назорат инстанцияларининг вазифаси эса, одил судлов сифатини янада яхшилашга қаратилган.

Тўғри, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2001 йил 1 июнда **«Жиноят ишларини кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида»** қарор қабул қилган эди. Аммо шунга қарамасдан, жиноят ишларини кассация ва назорат инстанциясида кўриш масаласида яна алоҳида-алоҳида Пленум қарори қабул қилиш масаласи кўтарилди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Энг аввало, Олий суднинг 2001 йил 1 июндаги Пленуми қарори апелляция институти амалиётда қўлланганига эндигина 3 ой бўлганда, яъни у судлов амалиётида ҳали тўлиқ шаклланмаган бир пайтда қабул қилинганди. Ушбу қарорни тезкорлик билан қисқа вақт ичида қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад суд амалиёти учун янги — апелляция институтини қўллашда келиб чиқиши мумкин бўлган турли хил тушунмовчилик ва хатоларнинг олдини олишга қаратилган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Пленум қарори қарийб 5 йил давомида суд амалиётини тўғри йўналтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Қолаверса, амалда бўлган Пленум қарорида кассация ва назорат инстанцияларида ишларни кўриб чиқишнинг умумий жиҳатлари бўйича тушунтиришлар берилган эди. Албатта, битта Пленум қарорида жиноят процессининг ўзига хос иккита мустақил масаласини изоҳлаш, уларда мавжуд бўлган тушунмовчилик ва муаммолар бўйича тўлиқ тушунтириш бериш имкониятини чеклайди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан кассация ва назорат инстанцияларида иш юритишда, кассация ва назорат тартибида берилган шикоятларни ҳал қилишда, ишларни мазкур инстанцияларда кўришда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

— Шу ўринда, судларда кассация ва назорат инстанцияларининг ваколат доираси бўйича ҳам газетхонларимизга тушунтириш бериб ўтсангиз.

— Маълумки, кассация институтидан кўзланган асосий мақсад — биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган суд ҳукмида мавжуд иш бўйича йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этишдан иборат. Назорат инстанцияси суди эса апелляция ва кассация инстанция судлари томонидан чиқарилган асоссиз ёхуд юзаки суд қарорларини ўзгартиради ёки бекор қилади ва шу орқали процесс иштирокчилари ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, судлар ҳар доим ҳам бу инстанция ваколатларидан, айниқса, ариза (протест) важларига аҳамият бериш, иш ҳолатларини тўлиқ текшириш ва суд терговини тўлдириш ваколатидан самарали фойдаланмоқда, деб бўлмайди. Маълумки, кассация инстанциясининг муҳим вазифаларидан бири кўрилган ҳар бир иш бўйича биринчи босқич судлари томонидан йўл қўйилган моддий ёки процессуал қонунбузилишини ўз вақтида тузатишдан иборатдир.

Кассация ва назорат инстанцияси судлари тўғрисида гап борар экан, нафақат уларнинг иш сифати, қарорларининг асослантирилганлиги, балки ҳар бир ишни ўз вақтида ва процессуал қонунда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда кўриб чиқишда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши лозимлиги ҳам эсимиздан чиқмаслиги керак.

— Кенг газетхонлар оммасини жиноят ишларини кассация ва назорат тартибида кўриб чиқишнинг тафовутлари ҳам қизиқтириши, табиий. Пленум жиноят ишларини бу тартибда кўриб чиқиш амалиётига оид қарорларни суд ҳокимиятининг алоҳида ҳужжатлари шаклида қабул қилди. Бу ушбу инстанцияларга доир қонун нормаларини тўғри қўллашга нечоғли хизмат қилади? Шунингдек, назорат тартибида иш юритишнинг апелляция тартибидан фарқли хусусияти нималардан иборат ва унинг асосий вазифалари қандай?

— Маълумки, қарорда ҳукм (ажрим) қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг берилган шикоят (протест), башарти, унда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар, шунингдек, оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш назарда тутилган бўлса, суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин эмаслиги, агар кассация шикояти (протести) бир йиллик муддат ўтгунга қадар берилган бўлиб, мазкур муддат иш бўйича қарор қабул қилингунга қадар ўтиб кетса, у қаноатлантирилмасдан қолдирилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Жиноят процессуал кодексининг 503-моддасига мувофиқ, кассация шикояти(протести) қайтариб олиниши, шунингдек, унинг важлари ўзгартирилиши мумкин. Кассация шикояти(протести)нинг қайтариб олиниши, агар иш бўйича бошқа процесс иштирокчилари томонидан берилган кассация шикояти(протести) бўлмаса, кассация тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келади. Қарорнинг 5-бандида бу масалада берилган тушунтиришда, агар шикоят (протест) кассация инстанцияси суди мажлиси бошлангунга қадар қайтариб олинган бўлса, у шикоят (протест) берган шахсга хат орқали қайтарилиши, бошқа ҳолларда эса суд, кимга нисбатан шикоят (протест) берилган бўлса, ўша шахсга нисбатан кассация тартибида иш юритиш тугатилиши ва бу ҳақда баённомада акс эттириладиган ажрим чиқариш лозимлиги баён этилган.

Апелляция инстанцияси суди мажлисида маҳкум (оқланган шахс)нинг қатнашиш-қатнашмаслик масаласини унинг ўзи ҳал этади. Бироқ қонунда кассация тартибида иш кўрилганда бу масала ечими суднинг ҳуқуқига тегишлилиги белгиланган. Шунинг учун қарорда бу хусусда сўз юритилиб, маҳкум (оқланган шахс)нинг кассация инстанцияси судида иштирок этишига зарурат борлиги масаласи судьялар томонидан алоҳида муҳокама қилиниб, зарурат бўлганда, унинг суд мажлисида қатнашиши чоралари кўрилиши лозимлиги қайд этилган.

— Пленум «Жиноят ишларини назорат тартибида кўришга доир амалиёт тўғрисида» ҳам қарор қабул қилди. Бу тартибдаги амалиётда қандай янгиликлар бор?

— Айтиш керакки, Олий суд Пленуми қарорида назорат тартибида иш юритиш апелляция ва кассация тартибидан кескин фарқ қилиши, чунки бу инстанцияда билвосита иш юритиш жиноят процесси иштирокчилари эрки билан эмас, балки давлатнинг ваколатли мансабдор шахси, яъни тегишли суд раиси ёки прокурор томонидангина қўзғатилиши мумкинлиги акс эттирилган. Бироқ бу — назорат тартибида иш юритиш муайян иш бўйича протест киритилган пайтдан бошланади, деган фикрни билдирмайди. Судда ҳам, прокуратура идораларида ҳам бу жараён назорат тартибида протест билдириш хусусида илтимосномада (эътибор беринг, ҳа биз одатда ишлатганимиздек, шикоят эмас, балки қонунда кўрсатилганидек, айнан илтимоснома) берган вақтдан қўзғатилган ҳисобланади.

Маълумки, апелляция тартибидан фарқли ўлароқ, назорат инстанцияси суди фақат қисман суд тергови ўтказиши, шу жўмладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра, ҳуқуқий баҳо бериши мумкин. Жазо масаласи ҳар қандай инстанциядаги каби назорат инстанцияси учун ҳам ўта жиддий масала ҳисобланади. Лекин назорат босқичининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бу инстанцияда баъзан ишлар ҳукм чиқарилган вақтдан бошлаб, ҳатто, йиллар оша кўриб чиқилиши мумкин.

— Бундан ташқари, Пленум «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида» ҳам қарор қабул қилди. Ахир, рецидив жиноят ҳақидаги масала қонунчилигимизга ёт нарса эмас-ку? Бу ҳақда қарор қабул қилинишига қандай ҳожат туғилди?

— Пленум муҳокамасига айнан **«Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни тўғри квалификация қилиш тўғрисида»**ги масаланинг киритилиши бежиз эмас. Негаки, бу қарор амалиётда йиллар давомида ўз ечимини топмай келаётган чалкашликларни бартараф этишга қаратилган.

Жиноий қилмишни квалификация қилиш тўғрисида сўз борар экан, аввало, «бир неча жиноят» тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Жиноят кодексининг «бир қанча жиноят» деб аталган саккизинчи боби аслида учта, яъни жиноятлар такроранлиги, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятлар каби ҳуқуқий институтларни ўз ичига олади. У мазмунан ҳар доим шахс томонидан бир неча жиноят содир этилганда унга қай йўсинда ҳуқуқий баҳо берилишига доир масалаларни тартибга солади.

Бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтларда бир неча жиноятларнинг содир этилиши тергов ва суд амалиётида кўп учрайдиган ҳодисалардир. Шахс томонидан бир неча жиноятларнинг содир этилиши субъектнинг ва у томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги юқорироқ даражада эканлигидан далолат беради. Бир неча жиноятлар содир этилиши натижасида шахс ёки жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига етказилган жисмоний, моддий, маънавий ва бошқа зарар одатда бир жиноят натижасида етказилган зарарга нисбатан сезиларли даражада кўплиги билан ажралиб туради.

Шу боис анчадан бери бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилиш борасида муаммолар юзага келаётган бўлса-да, бу борада амалдаги қонунларда етарлича тушунтиришлар мавжуд бўлмаганлиги туфайли ушбу масалада келиб чиққан қатор муаммолар, жумладан, жиноят квалификациясидаги чигалликлар, кўпинча, жазо муддати ёки миқдорини ўзгартириш орқали ҳал қилиниб келинмоқда эди. Ушбу масалада келгусида бу каби хатоларга йўл қўйилишининг олдини олиш, республика бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида бир неча жиноятларнинг ҳар учала кўриниши билан боғлиқ масалаларни қамраб олувчи ягона Пленум қарори қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Қабул қилинган Пленум қарорида айтиб ўтганимиздек, жиноятлар такроранлиги, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятларга батафсил тушунтириш берилган.

Бундан ташқари, рецидив жиноят ҳақида тўхталадиган бўлсак, рецидив жиноят юқори ижтимоий хавфлиликка эга бўлиб, унинг хавфлилиги шундан иборатки, шахс илгари қасддан содир этилган жинояти учун судланганидан кейин тузалиш йўлига кирмай, яна қасддан янги жиноят содир этади.

Шунингдек, қарорда Жиноят кодекси 34-моддаси учинчи қисмини қўллашда озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этилган шахс деганда, кимлар тушунилиши кераклиги, бунда ҳукм ижрога қаратилганлигининг, шу жумладан шахс илгари тайинланган, жазони ўтамаганлигининг аҳамияти йўқлиги баён этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида қабул қилинган қарорлар амалиётда вужудга келадиган муаммоларни ечишга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош:
Эсиргап БОЛИЕВ

ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

фаолиятимиз асосини ташкил этиши керак

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Конституциямизда ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос равишда ишлаб чиқилиб, унинг нормалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қабул қилинди.

Республикамизда фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ҳамда эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Бу ҳуқуқларни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократлашни қўллаб-қувватлаш дастурига кўра 1996 йил 31 октябрда Президентимизнинг **"Инсон ҳуқуқлари бўйича айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.**

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас".

Жиноят процессуал кодексининг 17-моддасига кўра ҳар бир шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш белгиланган бўлиб, унга кўра судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт. Инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади.

Жиноят кодексининг 16-боби одил судловга қарши жиноятлар деб номланиб, унинг 235-моддаси янгидан қабул қилиниб, унда шахсларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш масалалари борасида сўз юритилади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, давлатимизда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **"Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак".**

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ

Навоий вилояти касаба уюшмаси қўмитасида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Навоий филиали ташаббуси билан вилоят адлия бошқармаси, "Маҳалла" жамғармаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсман) вилоят вакиллиги, прокуратура ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати "Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалла институтининг роли" мавзуига бағишланди.

Сўзга чиққанлар ҳудудда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, соҳада жамоатчилик ролининг ортиб бориши ва бу борадаги камчиликлар тўғрисида ҳам ўз фикрларини баён қилдилар.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Андижон вилояти адлия бошқармаси ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) "Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари муҳофазаси бўйича суд ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги" мавзуида семинар ўтказди.

Тадбирда Омбудсман институтининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда Конституция ҳамда амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлаш борасидаги нуфузи ортиб бораётганлиги, дунё Омбудсман институтларининг республикамиз Омбудсман институти билан ҳамкорлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилаётган ижобий ишлар ва истиқболдаги режалар ҳақида сўз юритилди.

Камолиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими

ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

Бухоро вилояти адлия бошқармасида "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

Сўзга чиққанлар хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келаётган иқтисодий муносабатларни тартибга солишда, шартнома интизомини мустаҳкамлашда қонуннинг ўрни беқиёслигини, айниқса, ҳали шартномалар тузиш тажрибасига эга бўлмаган кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорларнинг иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, турли хилдаги таъминотчи, тайёрлов корхоналари ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти хусусида тўхталдилар.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

«СЕН БУНИ БИЛИШИНГ КЕРАК»

Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан Поп туманидаги "Ҳамза" маҳалла фуқаролар йиғинида туман хотин-қизлар қўмитаси, "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция" моҳиятини тушунтириш ва тарғиб қилиш юзасидан "Сен буни билишинг керак" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"нинг яратилиш тарихи ва унда ёшларга берилган ҳуқуқ ҳамда имкониятлар ҳақида сўз юритилди.

Қизғин мунозаралар остида ўтган давра суҳбатида маърузачилар ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Илҳомжон АБДУСАТТОРОВ,
Наманган вилояти адлия бошқармаси ходими

Тизим тадбирлари

МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан Термиз шаҳар ҳокимлигида "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийликни таъминлаш" борасидаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари доирасида ўтказилган учрашув "Оила кодексига мувофиқ никоҳ тузиш тартиби ва шартлари ҳамда оилада эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш" мавзуига бағишланди. Унда эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинишининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўзга чиққанлар Кодекснинг мазмун-моҳияти юзасидан қатнашувчиларга кенг тарзда маълумот беришди ва тадбир иштирокчиларининг саволларига жавоблар қайтаришди.

Қоржов ЧОРИЕВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходими

ЙИҒИНЛАРДА ДАВРА СУҲБАТИ

Бешариқ туманидаги Бешариқ қишлоқ фуқаролар йиғинида Конституциямизнинг 114-моддасидаги "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир" деб белгиланган қоиданинг ва Президентимизнинг 2007 йил 1 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техник жиҳатдан молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Худди шундай тадбир туман марказидаги "Халқлар дўстлиги", "Чорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам бўлиб ўтди.

Йўлдош АБДУНАЗАРОВ,
Суд департаментининг Бешариқ туман бўлими катта суд ижрочиси

● Талқин

ТАДБИРКОР МАҚОМИ

қай даражада белгиланган?

Тадбиркорлик субъектларининг самарали ишлаши ва хусусий мулкчиликни тўлиқ ифодалашда унинг ҳуқуқий мақоми қай даражада белгиланганлиги, улар мустақил фаолият кўрсатиши, фаолиятини тўсиқларсиз амалга ошириши учун асосий кафолатларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу сабабли миллий қонунчилигимизда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланди.

Бу кафолатларни рўёбга чиқариш учун эса мамлакатимизда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни соддалаштирилиб, хабардор қилиш тизими жорий этилди, солиқ солиш жараёни янада соддалаштирилиб, солиқ юки доимий равишда камайтириб борилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ҳисобланган прокуратура, адлия органлари, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, шаҳар, туман, вилоят ҳокимликларининг энг асосий вазифаларидан бири сифатида тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни, мавжуд муаммоларни ўрганишни ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишни амалга ошириши, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга молиявий, моддий-техник ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда, ўз маҳсулотларини ташқи ва ички бозорларда реализация қилишда кўмаклашиш эканлиги белгиланди.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан 2008 йилнинг 6 ойи давомида тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан келиб тушган 100 та мурожаат кўриб чиқилиб, 43 тасидаги важлар ўз тасдиғини топганлиги сабабли қаноатлантирилди. Қолган мурожаат муаллифларига эса, қонун талаблари бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Бу соҳада ўтказилган ўрганишлар ва мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан жами 110 та тақдимнома киритилди.

Киритилган тақдимномаларга тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган 183 нафар масъул шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 6 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Бундан ташқари, тақдимномаларга асосан жами 58 та ноқонуний қарор бекор қилинди, 54 та қарорнинг ижроси тўхтатилди. Шунингдек, киритилган тақдимномаларга асосан 1.475.000 сўм маблағ тадбиркорларга қайтарилишига эришилди.

Масалан, Когон тумани ҳокимлигида ўтказилган ўрганишда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги **"Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори талаби бузилиб, "Айланд сервис" масъулияти чекланган жамияти ва яна 6 та тадбиркорлик субъектига лицензия беришда лицензия битими туман ҳокимлиги томонидан имзоланмаганлиги ва муҳрланмаганлиги, "Файз КМ" масъулияти чекланган жамиятига лицензия беришда Низомда кўзда тутилмаган ҳужжат олинганлиги аниқланди.

Адлия бошқармасининг 2008 йил 19 майдаги тақдимномасига асосан қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси Х.Боймуродов эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Бундан ташқари, 2008 йилнинг ўтган даврида ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича киритилган таклиф ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларга асосан 21 нафар масъул шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси томонидан қўпол қонунбузилиш ҳолатларини содир қилган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган 4 та таклифга асосан 2 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

Бошқарма томонидан 2008 йил 1-ярим йиллик давомида тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш мақсадида тегишли идора ва ташкилотларга жами 283 та огоҳнома ҳамда 16 та кўрсатма киритилди.

Шу даврда тадбиркорлар, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзлаб, уларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш, моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида судларга жами 639 миллион сўмлик 215 та даъво аризаси киритилди. Шундан, 68 та даъво ариза судлар томонидан қаноатлантирилиб, тадбиркорлар фойдасига 111,4 миллион сўм ундириш белгиланди. 18.486.000 сўмлик зарар тадбиркорларга тўлаб берилганлиги сабабли 76 та даъво ариза ҳаракатдан тугатилди.

Отабек УРУНОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

● Эҳтиром

ИБРАТЛИ ҲАЁТ САБОҒИ

Фидойи инсонларнинг ёрқин умр йўллари каттаю кичик барча учун ҳаёт сабоғини беради. Эл-юрт фахрига айланган бундай олижаноб кишиларнинг нуроний чеҳраларида юрак шижоати, меҳнатсеварлиги ва қатъий иродаси ҳамон барқ уриб, бошқаларни ҳам улуғ шижоатга ундайверади.

Шундай азиз инсон бугун қутлуғ 93 ёшга етган Ҳалима она Муҳиддиновани эл эъзозига сазовор қилган қудратли куч ҳам ана шу эзгу фазилатлар, унинг узоқ йиллик машаққатли меҳнатларда тобланган жасорати, она халқига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатидир.

Суд-ҳуқуқ соҳасида ярим асрдан зиёд астойдил меҳнат қилган, масъулиятли лавозимларда ишлаб, ҳуқуқ соҳасининг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшган, ўзига хос ҳаёт мактабини яратган Ҳалима она Муҳиддинова оқила, билимдон, матонатли ўзбек аёлининг фахрли тимсолларидан бири десак, муболаға қилмаймиз. 1916 йил Наманган вилоятининг Ястепа қишлоғида таваллуд топган Ҳалима она то истиқлол йилларигача мураккаб тарихий даврларнинг аччиқ синовини бошидан кечирди. Одил судья сифатида қанчадан-қанча юртдошларимизнинг тақдирига дахлдор ишларни адолатли ҳал қилишда қатъий турди. Шу эътибор, юрак қўрини бериб қилинган меҳнат туфайли эл ҳурматини топди.

Яқинда Адлия вазирлигида ўтказилган самимий учрашув-мулоқотда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос, ардоқли устоз Ҳалима она Муҳиддинова ибратли ҳаёт йўли, қизғин фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Жумладан, Олий суд раиси лавозимида ишлаган кезлари фуқароларни қабул қилиш, уларни астойдил тинглаш, тиним билмай ишлашга тўғри келса-да, мурожаат қилувчилар арз-ҳолига жиддий эътибор бериш, масалаларни ҳал қилишда ҳар томонлама чуқур билим ва ҳаётий тажрибалар орттириб борганлиги хусусида фикр юритди. Чинакам юристга хос қатъият, инсоний фазилатлар, элпарварлик, адолатлилик бу улуғвор касбда узоқ йиллар меҳнат қилишнинг муҳим мезони эканлигини таъкидлади.

Ҳ.Муҳиддинова республика прокуратураси ва давлат органларида турли масъул лавозимларда, 1952 йилдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари вазифасида ишлаган.

1970 йилдан 1972 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари, 1972 йилдан 1982 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий Судига раислик қилган. Ҳали ҳам юраги шижоатга тўла онахон бугунги кунда Тошкент юридик коллежида бош мураббий бўлиб ёшларнинг маънан баркамол ўсишида фидойилик кўрсатиб келмоқда.

Учрашув-мулоқот қизиқарли суҳбат, савол-жавобларга уланди.

Дилором МАТКАРИМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири,
Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат

● Мавзуга қайтиб...

ТЎСИҚ

Девор ортидаги одамлар

Газетанинг 2008 йил 1 июль сонида "Ўрмонга ўт кетса..." сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Урганч шаҳридаги 119-А уйда истиқомат қилувчи Жабборовлар томонидан қурилган иморатлар туфайли шу уйнинг Ибадуллаевларга тегишли 2-хонадонига кириш йўлаги тўсилиб қолганлиги қаламга олинганди. Таҳририятга айнан шу мавзудаги ҳолат баён этилган мактублар келмоқдаки, бу бизни яна шу мавзуга қайтишга ундади. Келинг, шу ўринда Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Қўнғирот фермер хўжалиги, Наврўз маҳалласида яшовчи Ойимхол Усанова йўллаган шикоятни эътиборингизга ҳавола этайлик:

"2002 йил 29 мартда Қўнғирот фермер хўжалиги уюшмасига қарашли ер майдони кимошди савдосига қўйилиб, етти кишига 10 сотиҳдан ер сотилди. Менинг томорқамга ўтиш учун 8 метр йўл қолдирилди. Бу ер майдони учун туман архитектори Х.Садатов чизма чизган. Лекин шу савдода қатнашган Қобил Муродовнинг 2 хонали уйи йўл ўртасига қурилган. У уйини бузмаслик учун чизмани ўзбошимчалик билан ўзгартирган. Мен бу ҳолатдан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилдим. Мазкур суд томонидан 2006 йил 17 август куни менинг даъвоимни тўла қаноатлантириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилди. Бироқ суд қарори ижроси ҳанузгача таъминлангани йўқ. Мен беш йилдан буён уйимга кириш йўлидан маҳрумман. Бу масалада бир қанча мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдим, аммо ҳеч қандай натижа чиқмади. Зора сизлар ёрдам берсангизлар, деган умидда ушбу шикоятни йўллаяпман..."

Дарҳақиқат, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг ҳал қилув қарорида: "Жавобгар Қобил Муродов Музработ тумани, Қўнғирот фермер хўжалиги уюшмаси, Наврўз маҳалласида давлатга қарашли ердан узунлиги 9,0 метр, эни 4,0 метрли икки хонали уй ҳамда қўшимча равишда қурилган узунаси 10,0 метр, энига 6,0 метрли бир хона ва тандирхона ҳамда ушбу йўл устига қурилган қўшимча иморатлар жавобгарнинг ўз ҳисобидан буздирилсин", деб кўрсатилган. Бироқ О.Ўсанова таъкидлаганидек, мазкур қарор ижроси ҳанузгача таъминлангани йўқ.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шарти қонун устуворлигига эришишдир. Музработ туманидаги айрим мутасадди шахслар эса мамлакатимизда қонунлар устувор эканлиги, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар учун мажбурийлигини унутган кўринишади. Акс ҳолда улар фуқаро О.Ўсанованинг қонуний манфаатлари поймол қилинаётганига, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суди қарори ижроси таъминланмаётганига бефарқ қарамаган бўлишарди.



Шуни ҳам айтиш жоизки, халқимиз азал-азалдан узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнини афзал билади. Ўзига раво кўрган яхшиликни қўшнисидан дариғ тутмайди. Бироқ кейинги пайтларда шундай эзгу удумга путур етказаётган, ўз манфаатини кўзлаб, қуни-қўшни, маҳалла аҳлига жабр қилаётганларга ҳам дуч келаяпмизки, бу беихтиёр кўнгилга оғриқ солади. Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманида истиқомат қилувчи Ҳайитбой Машарипов шундай ёзади: Мен 1994 йилдан буён Ҳазорасп жамоа хўжалигининг 3-бўлимида яшайман. Мана, 14 йилдирки, қўшнимиз Раҳимбой Усмонов йўл бермай келади. У кўча бошига гилам учун омборхона қуриб олган, еттита хонадонга келадиган ариқчани ҳам бузиб ташлади. Натижада шу хонадонларда барпо қилинган боғлар қуриб қолди. Р.Усмонов билан муросаи мадора қилмоқчи бўлдик, афсуски, ҳеч қандай наф бермади. Турли мутасадди ташкилотларга қилган мурожаатларимиз ҳам бесамар кетмоқда. Ота-боболаримиз савоб учун ариқ, қудуқ қазиган, йўл, кўприк қурган. Айтинг-чи, Раҳимбой Усмоновнинг ўзбошимчалик билан ер ўзлаштириб олиши, ноқонуний равишда омборхона қуриб, йўлимизни тўсиб қўйиши адолатданми? Умид қиламизки, ҳақ йўлида, халқ ишончини паймол қилмай, ушбу масалани ижобий ҳал қилиб берасизлар..."

Аслида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида қонуний ечим топиши даркор. Аммо ўн тўрт йилдан буён уйига эмин-эркин кириб чиқолмаётган Х.Машариповнинг мурожаатига бефарқ қарасак, бизнингча инсофу адолатга зид... Ахир, халқимиз меҳмон-навозликни хуш кўради, хоҳ яхши, хоҳ ёмон кунда бўлсин, ўзбек хонадонидан меҳмон аримайди. Бир хонадон йўлини тўсиш билан нафақат шу уйда истиқомат қилувчилар, балки унга ташриф буюрадиган не-не кишиларнинг дили ранжишини бир ўйлаб кўрингга?

Юқорида таъкидланганидек, бу арзимас низолар тегишли судларда қонуний ечимини топган. Фақат суд қарори ижроси таъминланмаётгани оқибатида одамлар турли идораларда ووраи-сарсон. Биз суд қарори ижросини таъминлашдан бўйин товлаётган мутасадди шахсларга яна бир карра эслатиб қўйишни лозим топдик: суд қарорини бажармаганлик учун қонунчилигимизда жиноий жавобгарлик белгиланган. Қонун олдида эса барча баробардир.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Таассуф

ТАРСАКИ

ёхуд иш юритишнинг "ўзига хос" усули

Ҳикматилло Раззоқов Риштон туманининг Амиробод қишлоғида яшайди. У "Саидаҳмедов Абдулазизхон" фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Ишлари ҳам ҳавас қилса арзигулик. Аммо ўтган 2007 йилнинг октябридан 2008 йилнинг май ойига қадар унинг ичига чироқ ёқса ёришмади.

Хўш, нима учун?

Маълумки, 2003 йилнинг 30 октябрида Президентимизнинг **"2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"**ги Фармони эълон қилиниб, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада кенгайтириш учун бир қатор имкониятлар яратилди. Мазкур Фармонга биноан тумандаги М.Топиволдиев номли ширкат хўжалиги ҳам тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантириладиган бўлди. Бу эса кўпдан буён фермер бўлишни дилига тугиб юрган Ҳикматилло акага қанот бағишлади. Бинобарин, у яқинлари билан маслаҳатлашиб, гапни бир жойга қўйди. Сўнг ўз мақсадини билдириб, ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясига мурожаат қилди ва ўзи талабгорлик қилган 14 гектарлик лойиҳа бўйича ғолибликни қўлга киритди. Аниқроғи, туман ҳокимининг 2004 йил 28 декабрдаги 514-сонли қарорига мувофиқ Х.Раззоқовнинг "Саидаҳмедов Абдулазизхон" фермер хўжалиги ташкил қилинди.

Шундан кейин фермер бутун оиласини ёнига олиб, ишга киришди. Интилганга толе ёр, деганлари рост экан. Чунки 2005, 2006 йилларда барча шартномавий режаларни ортиғи билан уддалади.

Аммо 2007 йилда пилла ва бошоқли дон етиштириш бўйича юзи ёруғ бўлди-ю, пахта тайёрлаш режаси 78,1 фоизга бажарилди, холос. Ернинг захлагани ва шўр босгани барибир ўз ишини қилди.

Ҳикматилло ака пахтачиликдаги бу аҳвол учун 2007 йилнинг 20 октябрида "мукофот" олди. Яъни профилактика инспектори Акрамжон Мамажонов уни ва "Сабефум Замин" фермер хўжалиги раҳбари Ҳусанбой Тешабоевни туман ҳокими ҳузурига олиб борди. Ана шу пайтда фермернинг режаси 71 фоизга уддаланганди. Ҳоким ундан шартнома режаси бажарилмаётгани сабабини сўради. Х.Раззоқов ерлар захлаб кетгани туфайли мўлжалдаги ҳосилни ололмаётгани боиси ўз ерлари атрофидаги бюджетга қарашли бўлган зовурлар 18 йилдан буён кавланмаётгани, бу ҳақда бир неча марта туман сувдан фойдаланувчилар уюшмасига мурожаат қилса-да, ҳеч бир натижа бўлмай, бундан бошқа фермерлар ҳам зарар кўраётганини тушунтиришга уринди. Аммо гапини тугатмасидан туман раҳбари унга тарсаки туширди.



Шундан сўнг туман раҳбари унга ерни ўз ихтиёри билан топшириш ҳақида ариза ёзишни буюрди.

Ҳикматилло ака талабни бажарди.

Шу йилнинг 23 январида туман раҳбари ўзининг 42-сонли қарорига имзо чекди. Унга кўра, тумандаги 40 та фермер хўжалигининг ери туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинди. Улар орасида Х.Раззоқовнинг фермер хўжалиги ҳам бор эди. Ҳикматилло ака вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, туман раҳбарининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўради.

Шу ўринда туман раҳбари қароридан сатрлар келтирамиз: **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуннинг 32-моддаси, **"Ер кодекси"нинг 36-моддасига асосан пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари бошлиқларининг берган аризаларини кўриб чиқиб қарор қиламан: Фермер хўжаликлари бошлиқларининг берган аризаларига кўра, 1-иловага мувофиқ пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонлари туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинсин".** Қарорга асос қилиб олинган юқоридаги моддаларда фермер хўжалигини тугатиш шартлари белгиланган бўлиб, улардан бири фермернинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечишидир. Кўриниб турибдики, гўёки фермерлар ўз ихтиёрлари билан ерларини топшириш ҳақида ариза беришган-у, ҳокимлик буни қаноатлантириб қарор чиқаргандек. Бу сувдан қуруқ чиқишми? Балки иш юритишнинг "риштонча" усулидир?

Фуқаролик кодексининг 123-моддасига биноан алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Табиийки, суд кодекснинг ушбу талабига асосан фермернинг даъвосини қаноатлантирди.

Туман раҳбарининг фермерга нисбатан жисмоний куч ишлатганини суд мажлисида "Сабефум Замин" фермер хўжалиги раҳбари Ҳусанбой Тешабоев ва "Зебинисо ҳожи она" фермер хўжалиги раҳбари Абдуқаҳҳор Худойназаровлар тасдиқлашди.

Аввало шуни айтиш лозимки, шартномавий режани бажармаганлиги учун фермерга нисбатан куч ишлатиш муроса қилиб бўлмайдиган ҳолат. Қолаверса, пахта етиштириш бўйича контрактация шартномаси йилнинг 31 декабригача тузилади. Буни раҳбар яхши биладди. Шу боис у юқоридаги қарорини 2007 йил октябрида эмас, балки 2008 йилнинг январида қабул қилган. Асосийси, Бош Қомусимизнинг 26-моддасида "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас" дея қатъий белгиланган. Наҳотки, Риштон тумани раҳбари буни ёдидан чиқарган? Ёки у мазкур конституциявий меъёрни тан олмайдими?

Вилоят хўжалик суди раҳбарнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал этиш, унинг ножўя хатти-ҳаракатини туман, шаҳар раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиш ва бундай салбий ҳолат қайта такрорланмаслиги учун тегишли чораларни белгилаш юзасидан хусусий ажрим чиқариб, вилоят ҳокимлигига юборганди. Мазкур ажримга нисбатан вилоят ҳокимлигидан "Туман ҳокимига нисбатан тегишли қонуний чора кўлланилди" деган шунчаки жавоб келди.

Нодирбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти хўжалик суди судьяси

● Адлия аралашгач

Фуқаролик кодексининг шартномаларни тартибга солишга оид меъёрлари ҳамда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда шартномавий муносабатларни тартибга солишга қаратилган барча ҳуқуқий асослар яратилган.

ШАРТНОМА — ЛАФЗ

уни бажармаслик эса...

Мавжуд ҳуқуқий асослардан келиб чиққан ҳолда адлия органлари ходимлари республика микёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида жами **1 миллион 160 мингдан** ортиқ шартномалар тузилишида иштирок этдилар.

Хусусан, 2008 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси харид қилиш бўйича **88 минг 541 та,** пиллачилик корхоналарига пилла хомашёси етказиб бериш бўйича **88 минг 685 та,** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга минерал ўғитлар ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш бўйича **219 минг 791 та,** техника ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича **127 минг 722 та** шартнома тузилишида адлия органлари томонидан зарур ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, тузилган шартномаларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши назорат қилинди.

Аммо, шунга қарамай ҳали-ҳануз айрим шартнома тузувчилар томонидан шартнома шартларини бажармаслик ҳолатлари учраб турибди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2008 йил биринчи чораги давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиш жараёнини назорат ва мониторинг қилиш натижасида **11 минг 862 та** қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, адлия идоралари саъй-ҳаракатлари билан уларни бартараф қилиш чоралари кўрилди ва кўрилмоқда.

Қолаверса, бундай қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан адлия органлари томонидан **2 минг 843 та** огоҳнома, **983 та** тақдимнома ва **182 та** кўрсатма ҳамда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишга оид **338 та** таклиф киритилди. Булар натижасида **76 та** қонунчиликка зид бўлган хўжжатнинг ижроси тўхтатилиб ёки бекор қилиниб, **1 минг 225 нафар** мансабдор шахс интизомий ва **136 нафар** мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка, **9 нафар** шахс эса жиноий жавобгарликка тортилган. Шундан, **78 нафар** мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган. Бундан ташқари, **8 миллиард 450 миллион** 518 минг сўм маблағ манфаатдор шахсларга ундириб берилган.

Масалан, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги "Жума элеватори" АЖда ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, шу жумладан, фермер хўжаликлари томонидан топширилган дон маҳсулоти пулини ўз вақтида тўламай, шартнома талаби бузилган. Бу юзасидан жамият раиси в.б. Т.Худойбердиев ҳамда бош ҳисобчиси К.Абиловларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича вилоят хўжалик судига маъмурий таклиф берилиб, вилоят хўжалик суди томонидан уларга нисбатан **18.630 сўмдан** жами **37.260 сўм** маъмурий жарима қўлланилди.

Хўжалик судларига шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид жами **12 миллиард 284 миллион 777 минг** сўмлик **5 минг 394 та** даъво аризаси киритилган бўлиб, шундан **3 минг 149 та** даъво аризаси 10 миллиард **162 миллион 588 минг** сўмга қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, Жиззах вилояти Арнасой туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги раиси Р.Ўтабоев томонидан "Дўстликдонмаҳсулот" ОАЖга етказиб берилган "Элита" навли уруғлик дон учун товар дон қийматида ҳақ тўлаб, уруғлик дон ҳисобида ҳақ тўлаб бермасдан келаётганлиги сабабли, "Лочин" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб жавобгар "Дўстликдонмаҳсулот" ОАЖдан фермер хўжалигига жами 13 миллион 863 минг сўм ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво аризаси суд томонидан кўриб чиқилиб, "Дўстликдонмаҳсулот" ОАЖ ҳисобидан "Лочин" фермер хўжалиги фойдасига 13 миллион 357 минг сўм асосий қарз ва 3 миллион 253 минг сўм пеня, жами 16 миллион 611 минг сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Кўриниб турибдики, шартнома тузиш ва унда кўрсатилган шартлар бажарилишида тарафлар томонидан ўта масъулият ва жиддийлик талаб этилади. Оддийроқ қилиб айтганда, шартнома бу лафз дегани. Уни бажармаслик кўплаб салбий ҳолатларни юзага келтиради.

Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати

● Солиқ соҳасида

НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТ

ташвиш келтиради

Ҳар бир жамиятда ривожланиш босқичларини белгилайдиган омиллар кўп. Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, тараққиёт мезонини қонунларимиз таъминлаётганлигига гувоҳ бўласиз.

Бироқ айрим ҳолларда бу мезонларни бузишга уринаётганлардан кўз юмолмайсиз. Орамизда учраб турадиган бу кимсалар қонунни била туриб, унга бўйсунгиси келмаган, белгиланган меъёрларга таяниб иш кўришни хоҳламайдиган, қинғир йўллар билан пул топишни ният қилган юртдошларимиз эканлигига ачинасан.

Хатирчи тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан қонунни четлаб, бир нечта касбда фаолият юритаётган кимсалар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги **"Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ЙПХ ходимлари билан ҳамкорликда рейд ўтказилиб, 29 нафар фуқаро томонидан лицензиясиз хизмат кўрсатилаётгани аниқланди. Мазкур ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олди олиниб, **2599,9 минг** сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги **"Дори-дармон воситалари сотилишини тартибга солиш тўғрисида"**ги 404-сонли қарори талаблари бажарилиши юзасидан олиб борилган текширишларда туман бозорларида 14 нафар жисмоний шахс лицензиясиз ва ноқонуний равишда жами 1503,6 минг сўмлик дори-дармон воситалари сотаётгани аниқланди ва улар далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, тузилган далолатномалар чора кўриш учун туман судига юборилди.

Улардан бири Боғишамол қишлоғида яшовчи фуқаро А.Ҳалимов бўлиб, у бозорда ҳеч қандай ҳужжатсиз ва сифат сертификатисиз дори-дармон билан савдо қилган. Унга тегишли 17 хилдаги 132360 сўмлик, Янги қишлоғида яшовчи Фарида Кунназаровага тегишли 106 хилдаги 343485 сўмлик дори-дармонлар ҳам далилий ашё сифатида воқеа жойида олиб қўйилди. Янгиработ шаҳрида яшовчи Марҳабо Бахриддинова ҳам шундай фаолият билан шуғулланиб келган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июндаги 298/47-сонли қарори талаблари бажарилиши юзасидан ўтказилган текширишларда жисмоний шахслардан жами 275 литр, 422,8 минг сўмлик сифат сертификати бўлмаган ўсимлик мойи савдосига чек қўйилди. Каттақўрғон тумани, Қиймадўст қишлоғида яшовчи фуқаро Муҳаррам Очиловадан 16 литр, Янгиработ шаҳрида яшовчи Дилбар Холмуродовадан 18 литр, Дилрабо Эргашевадан 10 литр ўсимлик мойи ноқонуний равишда, ҳеч қандай ҳужжатсиз ва сифат сертификатисиз сотилаётгани учун далилий ашё сифатида олиниб, далолатнома тузилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 мартдаги **"Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш тўғрисида"**ги қарори талаблари бажарилиши юзасидан 2008 йил 1 июлгача ўтказилган текширишларда эса 15 нафар жисмоний шахснинг қонунга зид равишда спиртли ва тамаки маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилаётганлиги аниқланиб, улардан 191,5 литр — 746,4 минг сўмлик спиртли ва 247 қути — 201,3 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари олиниб, 8 нафар жисмоний шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 186-1-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, туманда солиқ инспекцияси томонидан яширин тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар фаолиятини тартибга солиш мақсадида 20 маротаба рейд ўтказилди ва 20 ҳолатда қонунбузарлик содир этилгани аниқланди. Текширишларда 4 та жувоз цехи, 1 та нон (буханка) ишлаб чиқариш цехи, 10 та тегирмон цехи ва 5 та тош майдалаш тегирмон цехи ноқонуний фаолият кўрсатаётганлиги аниқланиб, улардан жами 965,3 минг сўмлик товар хомашё материаллари ҳамда мосламалар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. 4 нафар фуқарога нисбатан жиноий иш қўзғатилди. 20 нафар фуқарога нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ноқонуний ҳаракат, албатта, жазосиз қолмайди. Буни унутмаслик лозим.

Неъмат БЎРОНОВ,
Хатирчи тумани ДСИ бошлиғи,
Элдор НАМОЗОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Бухоро вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 18 июлдаги 11-сон қарори билан бошқарма томонидан Ходжаева Гулчеҳра Файзуллаевна номига 1997 йил 25 июлда берилган ВН 000008 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 1 (бир) ой муддатга тўхтатилди.

● Фириб

Я шашнинг енгил йўлини ахтарган, аҳмоқона, бемаъни, қаноатсиз ҳаётга мойил одамларнинг бири икки бўлганини эшитганмисиз? Аслида ҳаётнинг чексиз завқу қувончи ўзингни одамларга керак, деб билишингда. Инсон икки марта яшамайди. Лекин орамизда бир марта яшашни ҳам эплай олмайдиганлар учраб туради.

«ЎЙИН»И ЎТМАДИ

Аъзам Пардаевнинг ёши ўттизнинг остонасида. У оила қурди-ю, асрай олмади. Бир фарзанди бугун ота меҳрига зор. Чунки у белгиланган жазони темир панжара ортида ўтамоқда.

Ўтган йили 30 июль куни "Матиз" русумли машина ҳайдовчиси Мансур Раҳматовни нотаниш мижоз чув тушириб кетди. Бу мижоз мақоламиз "қаҳрамони" Аъзам эди. У Бухоро шаҳридаги "Шарқ-1" мавзеига етиб келганида ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўради. Кўп қаватли уйлар томон юрди-да, яна орқасига қайтди.

— Ошна, қўл телефонингизни бериб туринг, — деди Аъзам ҳайдовчига гаплашиш ҳақи учун 500 сўм узатар экан. Содда ҳайдовчи мижознинг гапига ишониб, унга телефонини берди.

Мижоз ўзини қўл ҳаракатлари билан сўзлашаётган киши қилиб кўрсатиб, беш қаватли уйлар оралиғига кириб кетди. Ҳайдовчи мижознинг қайтиб келишини кутавериб тоқати тоқ бўлди. Сўнг фирибгар қармоғига илинганлигини, 490.000 сўмга харид қилган "Сони Эриксон W 810" русумли қўл телефонидан маҳрум бўлганлигини англаб, асаби бузилди...

2008 йил 7 январь куни пихини ёрган Пардаевнинг фириб пардасига "Тико" русумли машина ҳайдовчиси Бозор Ёдгоров тушди. У мижоз илтимосига кўра Аъзамни Жондор туманига олиб борди. Сўнг Бухоро шаҳрига қайтиб келишди. Баҳоуддин Нақшбанд кўчасидаги кўп қаватли уйлар олдида мижоз машинани тўхтатишни, бир оғайнисининг уйига зудлик билан кириб чиқишини айтди.

— Мижозим негадир қайтиб чиқавермади. Телефонимни сўраб олганди. Тўғриси, мен унга ишондим. Аъзам эса мени алдади, — деди тергов чоғида Бозор Ёдгоров. — Қўл телефонимни ҳалигача қайтариб олганим йўқ...

Қадам тўғри ташланса, ҳеч қачон одам қинғир йўлга кирмайди. Аъзам фирибгарлик йўли билан Умид Ҳотамовнинг "Нокиа-6600" русумли қўл телефонини, Озода Насруллаеванинг бир жуфт тилло ҳалқа, бир дона тилло узугини ҳам қўлга киритган.

Билъакс, текин томоққа тиканак тиқилади. Ҳалол меҳнатдан қочиб, инсоний қиёфасини йўқотган, йигитлик шаънига доғ туширган, буқаламундай турланишни ўрганган Аъзам Пардаевнинг барча кирдикорлари охир-оқибат фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судида шу йил апрелда унга нисбатан адолатли ҳукм ўқилди.

Инсон умри бағоят қисқа. Лекин у моҳиятэътибори билан юксак саодатдир. Эгри босилган қадам, ёшликнинг жирканч ҳаёт тарзи — умрга хиёнат қилиш билан баробар. Бу ҳақиқатни ёддан чиқармаслик ҳар бир эсли-ҳушли одамнинг виждонига боғлиқ. Шундагина яшаш завқли, умр покиза, истиқбол ойдин, ҳаёт мукаррам бўлади.

Набижон СОЛИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди судьяси,
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Ё, тавба!

ҲАРОМДАН ҲАЗАР

қилмаган "бойвачча"

Қарши туманининг Муллақувват қишлоғида яшайдиган Ўролбой Пардаев анчадан бери бой бўлишни орзу қилиб юрарди. Орзуга айб йўқ, дейдилар. Ўролбой ҳам не-не орзу-умид билан, анча-мунча чорва қилиб, шулар изидан юриб, шамолига маст бўлиб, қувониб яшаётганди. Аммо...

Кўй деган жонивор қишда иссиққина қўтонда ётмаса, кеча-ю кундуз курт-курт чайнаб турмаса, бир кун келиб эгасига бевафолик қилиб ҳаром қотиши ҳам бор гап. Хулласки, Ўролбойнинг кўрасида саноғи уч юзга етиб қолган кўйларининг бир қанчаси қаттиқ совуққа бардош беролмай, бир ҳафта ичида тарракдай қотиб, қирилиб кетди.

Ўролбой боши қотиб, раҳмоннинг эмас, шайтоннинг йўриғига амал қилди. Оз эмас, кўп эмас 280 та ҳаром қотган кўйларни машинага юклаб, Қарши шаҳрида яшовчи танишининг ҳовлисига келтирди. 8 нафар ёлланма ишчи кўмагида ҳатто зарурат учун боши кесилмаган кўйларни терисидан айириб, суякустихонларини ҳам ажратириб, колбаса цехига топширмоқчи бўлаётганда ИИБ бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. Қарши шаҳар ДСЭНМ мутахассислари эса ушбу гўшт маҳсулотлари жами 1500 килограмм бўлиб мутлақо истеъмолга яроқсиз эканлигини аниқлашди.

Виждони жиғилдонга айланган Ўролбой Пардаев эса жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ҳукми билан айбдор деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолинган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлади.

Р.ҚЎШОҚОВ,
жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди раиси,
Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

G'ALLABANK

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ "ҒАЛЛАБАНК"

ҳамюртларимизга йиллик 18 фоизли қуйидаги янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

"Ko`zgu" — муддати 1 ой;
"Tong" — муддати 1 ой;
"Musaffo" — муддати 3 ой;
"Saraton" — муддати 3 ой;
"Turon" — муддати 6 ой;
"Zamin" — муддати 6 ой;
"Foydali" — муддати 1 йил;
"Adolat" — муддати 2 йил.



Шунингдек, ҳисобланган фоизлар капитализация қилинадиган 1 йил муддатли йиллик 18 фоизли "Omad" номли омонат турини таклиф этади.

Мазкур омонат турлари жорий йилнинг 1 сентябрига қадар қабул қилинади.

Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланади.

Бундан ташқари, "Ғаллабанк"

— барча хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига:

ходимларга ўз вақтида, қулай тарзда маош тарқатиш, тўловлар бўйича ҳисоб ишларини енгиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида банкнинг пластик карточкалари орқали "Иш ҳақи" лойиҳасидан фойдаланишни таклиф қилади;

— ўз мижозларига "SMS-Banking" хизматини таклиф этади.

Мазкур хизмат тури мижозларга ўз ҳисоб варақлари, уларнинг айланмалари тўғрисидаги маълумотларни тез ва тўлиқ олиш имкониятини яратади. "SMS-Banking" тизимига уланиш учун ўзингиз мижози бўлган "Ғаллабанк" филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 233-71-72, 236-74-30, 233-98-80.
"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

TURON BANK

ЭЪЛОН!

Наманган вилояти адлия бошқармаси Наманган шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Наманган вилояти адлия бошқармаси телефони: (8-369) 226-26-73

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Маматов Шоди Суюнович, Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-615. Тиражи — 10153. [t] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-84-50, Факс: 233-65-99.
1 2 3 4 5 6 7 8
Сотувда эркин нархда